

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ПУЛАТОВА ШАХНОЗА БАХТИЯРОВНА

**АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТДА МИНЕРАЛЛАР
АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
АҲАМИЯТИ ВА УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Пулатова Шахноза Бахтияровна

Анкилозловчи спондилоартритда минераллар алмашинуви
бузилишининг клиник-патогенетик аҳамияти ва уни коррекциялаш
йўллари.....5

Пулатова Шахноза Бахтияровна

Клинико-патогенетическое значения нарушения минерального обмена
при анкилозирующем спондилоартрите и пути его
коррекции.....27

Pulatova Shakhnoza Bakhtiyarovna

Clinical and pathogenetic significance of disorders of mineral metabolism in
ankylosing spondylitis and ways of its
correction.....50

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works.....54

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ПУЛАТОВА ШАХНОЗА БАХТИЯРОВНА

**АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТДА МИНЕРАЛЛАР
АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
АҲАМИЯТИ ВА УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1354 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Шодиқулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ да тарқатилди.

(2022 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.И. Пулатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Анкилозловчи спондилоартрит (АСА) билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати ва умр кўриш давомийлигининг пастлиги, эрта ногиронлик ва оғир асоратларнинг ривожланиш ҳавфининг мавжудлиги ушбу касалликнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради. Қатор олимларнинг маълумотларига кўра, «...АСА патогенезида магний дефицити юзага келган ҳолатларда микроциркуляциянинг бузилиши, қон оқими тезлигининг сустлашиши, тўқималар шиши, зичлиги юқори бўлган атероген липопротеидлар синтезининг ортиши, суяклар минерал зичлигининг камайиши каби жараёнлар муҳим аҳамият касб этади...»¹. Магний, калций, фосфор, руҳ каби минераллар суякларнинг минерализацияси унинг тўқималарининг ўсиши ва мустаҳкамлигини тартибга солувчи ҳамда репаратив салоҳиятини оширувчи элемент ҳисобланиб ва бу микроэлементларнинг бузилиши оғир асоратларга сабаб бўлади.

Жаҳонда АСани самарали даволаш учун минераллар алмашинувининг бузилишини клиник-патогенетик аҳамияти ҳамда унга боғлиқ равишда фармакотерапевтик тамойилларни ишлаб чиқишга доир кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Унга кўра, АСАда суяк тузилмаларининг мустаҳкамлиги нафақат сурункали магний етишмовчилиги билан балки суяк минерал алмашинувининг негизини ташкил қилувчи Mg/Ca нисбатини бузилиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиши ўз исботини топди. Магний етишмовчилигига нисбатан Mg/Ca нисбатининг ўзгариши оқибатида суякдаги метаболик жараёнлар секинлашиши ҳамда захарли металлар (кадмий ва кўрғошин) бўғимларда тезроқ чўкма ҳосил қилиши аниқланди. Касалликнинг кечиши ва ривожланишида минераллар алмашинувининг бузилишини клиник-диагностик, патогенетик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш ҳамда ушбу ўзгаришларни коррекция қилиш орқали АСАга чалинган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллигини пасайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда

¹Бугрова О.В., Нагорнова К.А., Артемова Н.Э. Состояние костного метаболизма и его регуляция у больных анкилозирующим спондилитом. // Научно-практическая ревматология.- 2016.- Vol.54- №5-pp.-527-529

касалликларни профилактика қилиш...»² каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда эрта ташхислашни янада такомиллаштириш, аҳоли орасида бўғим касалликларини камайтириш билан бир қаторда АСани олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. "Тиббиёт ва фармакология" йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, АСА билан касалланган беморларда касалликнинг дастлабки босқичида суякларнинг минерал зичлигининг сезиларли даражада йўқолиши кузатилади ва бу ҳолат бевосита иммун яллиғланишнинг фаоллиги билан боғлиқ бўлади. АСАда суякларнинг минерал зичлигини таъминлаш ва иммун яллиғланиш фаоллигини сусайтириш учун магний, калций, руҳ каби минераллар ҳамда Д витаминининг ҳам аҳамияти юқори ҳисобланади. АСАли беморларда ушбу микроэлементларнинг танқислиги суяк зичлигига салбий таъсири, остеопорознинг (ОП) ривожланиши ва турғун сақланиб туриши учун бир нечта бевосита ва билвосита механизмлар ўрганиб чиқилган (Захарова И.Н. ва ҳаммуал., 2020). Бунда суякларнинг кристалл тузилишининг ўзгариши, остеобластлар функциясининг пасайиши, остеокластларнинг сони ва фаоллигининг ортиши, бу эса суякларнинг мўртлашишига олиб келиши тасдиқланган. Хужайрадан ташқари Mgнинг паст даражалари индукция қилинган NOни кучайтириш орқали уни ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш орқали остеобластларнинг ўсишини тормозлаши

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

(Шодидулова Г.З., 2017), шу билан бирга суяк илиги томонидан остеокластларнинг ишлаб чиқарилишини кучайтирилиш механизмлари кўрсатиб ўтилган (Громова О.А. ва ҳаммуал., 2018).

Магний дефицитада остеокластлар фаоллигини оширадиган ва остеобластлар фаолиятини сусайтирадиган яллиғланиш цитокинлари (ЎНО- α , ИЛ-1 ва ИЛ-6 - қон зардобда, суяклар микро муҳитида) синтезининг ортиши натижасида суякларнинг ремоделланиш жараёни кучайиши ва бу орқали остеопения рағбатлантирилиши атрофлича баён этилган (Zou ва ҳаммуал., 2020). Mg/Ca дисбаланси ва руҳ танқислиги эндотелиал дисфункция ривожланишига сабаб бўлиши, бу эса суякларнинг етарлича қон билан таъминланишининг бузилишига ва суяк массасининг пасайишига олиб келиши батафсил таҳлил қилинган (Kosik-Vogaska, D.I. ва ҳаммуал., 2018).

Сўнги ўн йил ичида ирсий ген мутациялари билан гипомагнемиянинг боғлиқ ҳолатлари ўрганилди: яъни зардобда Mg (TRPM6, TRPM7)нинг паст даражалари билан боғлиқ бўлган ген полиморфизми аниқланди (Gravallese, E.M. ва ҳаммуал., 2018). АСА патогенезида магний дефицита юзага келган ҳолатларда микроциркуляциянинг бузилиши, қон оқими тезлигининг сустлашиши, тўқималар шиши, зичлиги юқори бўлган атероген липопротеидларнинг синтезининг ортиши, суяклар минерал зичлигининг камайиши каби жараёнлар муҳим аҳамият касб этади. Шуларни ҳисобга олиб, АСани даволашда юқорида кўрсатилган бузилишларни бартараф этиш хусусиятига эга дори препаратларини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги келтириб ўтилган. Магний препаратлари таъсири остида микроциркуляция ҳамда нерв импульс ўтказувчанлигининг яхшиланиши кузатилиб, простациклин ва азот оксиди (биологик вазодилататорлар) ажралишига таъсир кўрсатувчи томирлар эндотелийси аэроб алмашинувининг яхшиланиши юзага келиши аниқланди. Ушбу препаратларнинг антиоксидант таъсири магнийнинг юқори супероксиддисмутаза фаоллиги ва унинг супероксиддисмутаза таркибига кириши билан боғлиқ бўлиши таҳлил қилинган (Guo H.P. ва ҳаммуал., 2019). Ўзбекистонда АСани ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, улар асосан АСА даги клиник, ёки иммуногенетик, ёки юрак-қон томир бузилишларига ҳамда АСА да COVID-19га бағишланган. Бу ишлар, хусусан, АСАда буйраклар шикастланишини ўзига хос хусусиятлари, сийдик чўкмасининг бузилиши ва дори воситаларини буйрак фаолиятига салбий таъсири (Наимова Ш.А., 2021); АСА нинг клиник кечиши билан иммуногенетик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги, юрак-қон томир тизими ҳолати, HLA-B27 ген полиморфизми хусусиятлари (Исламова Д.Н., 2022); COVID-19 ўтказган АСА беморларда клиник белгилари, кечиш хусусиятлари, суяк-бўғим тизими зарарланиши ва иммунологик ўзгаришлар (Абдурахманова Н.М., 2022) ва бошқалардан иборат.

Юқорида баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, АСани клиник-патогенетик механизмлари асосида минераллар алмашинувининг

бузилиши муҳим аҳамият касб этиб, уни ўрганиш орқали касалликнинг ривожланиб боришини секинлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконияти яратилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.070070 «Аутоиммун касалликларни эрта ташхислаш ва даволашга инновацион ёндашиш усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади анкилозловчи спондилоартритда минераллар алмашинувининг бузилишини клиник-патогенетик аҳамиятини баҳолаш ва уни коррекция қилиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минераллар алмашинуви бузилиши кузатиладиган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник ва лаборатор фаоллик кўрсаткичларини баҳолаш;

анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг скелетдан ташқари белгиларининг учраш сони билан қондаги микроэлементлар алмашинуви бузилиши ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш;

қон зардобидаги микроэлементлар миқдори билан ЎНО-α ўртасида боғлиқлик мавжудлигини асослаш;

АСА билан оғриган беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан минераллар алмашинуви бузилишлари орасидаги муносабатни аниқлаш;

базис яллиғланишга қарши даволаш негизида минераллар алмашинуви бузилишларини коррекция қилувчи дори воситаларини қўллаш орқали АСАли беморларда касалликнинг динамикасини ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2022 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг ревматология, кардиоревматология бўлимларида шифохона шароитда даволанган ва артрологик ихтисослаштирилган амбулатор даволаш курси бўлимида амбулатор шароитда кузатилиб муолажалар қабул қилган 102 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардоби, рентгенологик ва магнит-резонансли томография текшириш усуллари ҳамда бўғим синдромининг динамикасини объектив ва субъектив кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник визуал аналог шкала (ВАШ), Health Assessment Questionnaire (HAQ), Bath Ankylosing Spondylitis Disease Activity Index (BASDAI), Bath Ankylosing Spondylitis Functional Index (BASFI), Ankylosing Spondylitis Disease Activity Score (ASDAS) индекслари бўйича бўғим синдроми динамикасини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш, биокимёвий, иммунологик (ревматоид омил,

ЎНО-α миқдори), колориметрик (қон зардобида магний, кальций, рух), асбобий (илеосакрал битишма ва умуртқа поғонасининг рентгенологик, магнит-резонансли томографияси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минераллар алмашинуви бузилиши кузатиладиган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари ҳам ўз навбатида баланд бўлиши асосланган;

анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг скелетдан ташқари белгиларининг учраш сони қондаги микроэлементлар алмашинуви бузилишига бевосита боғлиқ бўлиши аниқланган;

қон зардобидаги микроэлементлар миқдори билан ЎНО-α ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

базис яллиғланишга қарши даволаш негизида минераллар алмашинуви бузилишларини коррекция қилувчи дори воситаларини қўллаш орқали анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллиги пасайиши ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичлари яхшиланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник ва лаборатор фаоллик кўрсаткичларини баҳолашда қон зардобида минераллар алмашинуви бузилишининг қайд этилиши кузатилган;

анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг скелетдан ташқари белгиларининг учраш даражаси қондаги микроэлементлар миқдорига боғлиқ бўлиши асосланган.

қон зардобида ва эритроцитларда магнийнинг камайиши ЎНО-α нинг ортишига олиб келиши кузатилган;

минераллар алмашинуви бузилишлари мавжуд анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари паст бўлиши баҳоланган;

базис яллиғланишга қарши даволаш негизида минераллар алмашинуви бузилишларини коррекция қилувчи дори воситаларини қўллаш орқали анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллигини ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган назарий ҳамда амалий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг керакли миқдорда эканлиги, етарли даражада материал йиғилганлиги, қўлланилган текширув усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, иммунологик, инструментал ва статистик усуллар асосида ишлов берилганлиги,

шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АСАли беморларда минераллар алмашинувининг бузилишини клиник-патогенетик аҳамиятини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АСА беморларда минераллар алмашинувининг бузилишини бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш орқали муқобил даво чораларини кўриш, анкилоз ривожланишини секинлаштириш, касалликнинг асоратлари ҳамда беморларнинг ногиронлигини олдини олиш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анкилозловчи спондилоартритда минераллар алмашинуви бузилишинининг клиник-патогенетик аҳамиятини баҳолаш ва уни коррекциялаш йўллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анкилозловчи спондилоартритли беморларда минераллар алмашинуви ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Анкилозловчи спондилоартритли беморларда минераллар алмашинуви ҳолатини баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 октябрдаги 8н-з/560-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома анкилозловчи спондилоартритли беморларда минераллар алмашинуви ҳолатини баҳолаш имконини берган;

Анкилозловчи спондилоартритли беморларда минераллар алмашинуви ҳолатини баҳолаш усули бўйича олинган тадқиқот натижалари Наманган вилояти, Чуст туман тиббиёт бирлашмаси, ТТА кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология, артрологик ихтисослаштирилган амбулатор даволаш курси бўлимлари ҳамда Хоразм вилояти, Урганч шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 декабрдаги 08-39733-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши минераллар алмашинувининг бузилиши билан кечган анкилозловчи спондилоартритли беморларни ташхисини эрта аниқлаш, меҳнатга лаёқатлик даврини узоқ муддат сақлаб қолиш, ҳаёт сифатини ошириш, касалликни авжланиши ва эрта ногиронликни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола,

жумладан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари белгиланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Спондилоартритнинг этиопатогенези, ташхислаш ва даволаш усулларига замонавий қарашлар» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда АСАнинг ривожланишини этиопатогенетик механизмлари ҳамда касалликнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти кенг ёритилган. АСАнинг ривожланишига минераллар алмашинувининг бузилишини таъсири ва унга боғлиқ равишда терапевтик ёндошувни такомиллаштириш усулларига алоҳида урғу берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг умумий клиник тавсифи, тадқиқот усуллари, умумий ва махсус текширув усуллари, текширув натижаларини статистик ҳисоблаш усуллари акс эттирилган. Клиник тадқиқот 2018-2022 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология ва артрологик ихтисослаштирилган амбулатор даволаш курси бўлимларида олиб борилди. Тадқиқот ишига 102 нафар АСА билан касалланган 18 ёшдан катта бўлган беморлар ҳамда 20 та соғлом шахслар жалб этилди. Ташхис қўйишда беморларнинг шикоятлари, касаллик ва ҳаёт анамнези, объектив текширув натижалари, лаборатория ва асбоб-ускуналар текширувлари хулосалари ва Нью-Йорк (2011) модификацияланган ташхисий мезонларидан фойдаланилди. Уларнинг 88 (86,2%) тасини эркак ва 14 (13,7%) тасини аёллар ташкил қилди. Беморларнинг ёши 18-63 оралиғида бўлиб, беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши: 20 ёшгача – 9 (8,8%), 30 ёшгача – 31 (30,4%), 40 ёшгача – 35 (34,3%), 40 ёшдан ошганлар сони 27 тани (26,4%) ва ўртача $40,15 \pm 1,3$ ни, эркаклар ва аёллар нисбати 8:1 ни ташкил этди. Беморларнинг асосий қисмини АСА давомийлиги 10 йилдан ортиқ - 54 (53%) ҳамда 48 (47%) ни эса касаллик бошланганлигига 5-10 йил бўлганлар ташкил этган бўлса, касалликнинг клиник шакллари бўйича: аксиал шакли – 62 та (60,7%), периферик шакли эса 40 та

(39,3%)ни ташкил этди. Тадқиқот ишига олинган беморларнинг 88%ида HLA-B27 антигени ижобий натижа берган. АСА босқичлари бўйича энг кўп фоизларни ифодаланган 47 (46%) ва кечки босқичдаги беморлар 46 (45,2%) ҳамда рентгенолди (эрта) босқич 9 (8,8%) қайд этилган. АСАли беморларда скелетдан ташқари белгилар 42 (41,1%) нафаридан: (увеит 12 (28,6%), кардит 24 (57,1%) ва ритм ва ўтказувчанликнинг бузилиш 6 (14,3%) симптомлари кузатилди.

Тадақиқотда умумклиник оғриққа 100-миллиметрли визуал аналог шкала (ВАШ), Bath Ankilosing Spondilitis Disease Activity Index (BASDAI), Bath Ankilosing Spondilitis Functional Index (BASFI), Ankilosing Spondilitis Disease Activity Score (ASDAS) индекслари бўйича бўғим синдроми динамикасини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш, ҳаёт сифатини баҳолаш тести, биокимёвий, иммунологик (ревматоид омил, ЎНО-α микдори), колориметрик усуллар (қон зардоби ва эритроцитлар таркибида магний, қон зардобиди кальций, рух микдори) ёрдамида аниқланди.

Барча беморларда сакроилеал битишма ҳамда умуртқа поғонасининг ҳолатига баҳо бериш мақсадида тўғри ва латерал проекциядаги стандарт рентгенография ўтказилди ҳамда АСанинг рентгенологик босқичи аниқланди. АСАга хос бўлган у ёки бу радиологик белгилар аниқламаган беморларга МРТ текширувидан ўтиш тавсия этилди.

Анкилозловчи спондилоартритли беморларнинг 49 тасида анъанавий базис даво (Сульфасалазин 500 мг схема билан 2 гр/суткагача ва клиник самарага эришилганда ушлаб турувчи дозани танланди), анкилозловчи спондилоартритнинг периферик шакли кузатилганларга (Метатрексат 10 мг/ҳафтасига) буюрилди. Минераллар алмашинувининг бузилиши кузатилган 53 нафар АСА беморларга анъанавий давога қўшимча равишда таркиби 400 мг магний цитрат (65 мг магний), 2 мг пиридоксин гидрохлорид, 2 мг рух сульфат, 10 мг магний стеаратдан ташкил топган комбинирланган препарат Магнецин В6 2 таблеткадан 2 маҳал овқат маҳал 8 ҳафта давомида тавсия этилди.

Диссертациянинг «Текширишлар натижалари ва уларнинг таҳлили» деб номланган учинчи бобида АСАли 102 та беморларда минераллар алмашинуви бузилишлари таҳлил қилинган ва унинг касалликни клиник кечиши билан боғлиқлиги асосланган. Барча беморларнинг қон зардоби ва эритроцитларида Mg микдори текширилиб, унинг даражаларига кўра беморлар 2 та гуруҳга бўлинди. I гуруҳ беморлари (n=49) қонида Mg микдори нормал референт даражаларни ташкил қилди. II гуруҳ беморларини эса Mg дефицити бўлганлар ташкил қилди (n=53). I гуруҳ беморларнинг ўртача ёши $40,7 \pm 1,4$ йилни, II гуруҳ $39,6 \pm 1,1$ ёшни ташкил этди, касаллик давомийлиги I гуруҳда $10,7 \pm 6,4$ йил, II гуруҳ беморларида $10,3 \pm 7,6$ йил кузатилди. Беморлар жинси бўйича I гуруҳда 91,8% эркеклар ва 8,2 % аёллар, II гуруҳда эса эркекларни 79,3 % ва аёллар 20,7% ташкил қилди. I гуруҳда аксиал зарарланиш 53,3%, умуртқадан ташқари зарарланиш 41,7%, II гуруҳда аксиал зарарланиш 60,4%, умуртқадан ташқари зарарланиш 39,6% беморларда аниқланди.

Касалликнинг асосий шикоятларидан бери умуртқадаги оғриқлар бўлиб асосан бел соҳасида оғриқ II гуруҳда 92,4%, I гуруҳда эса 86,6% беморларда умуртқанинг бошқа соҳаларига нисбатан устунлик қилди, I ва II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут ($p<0,005$) бўлди (1-жадвал).

1-жадвал


Анкилозловчи спондилоартритли беморларда клиник белгилар

Клиник белгилар	I гуруҳ	II гуруҳ
Беморлар сони	n=49	n=53
Аксиал зарарланишли АСА,%	58,3	60,4
Умуртқадан ташқари зарарланишли АСА, %	41,7	39,6
Умуртқанинг бўйин қисмида оғриқ, %	47,9*	65,1*
Умуртқанинг кўкрак қисмида оғриқ, %	14,7*	17,5*
Умуртқанинг бел қисмида оғриқ, %	86,6*	92,4*
Қовурға-тўш бирикмасида оғриқ, %	19,1*	26,3*
Эрталабки қаратилиш, давомийлиги/мин	78,81±20,2 мин [#]	129,6±36,5 мин*

Анкилозловчи спондилоартритли беморларда клиник белгиларининг гуруҳлар бўйича таҳлилида думғазада оғриқ (думба соҳасида)-I гуруҳ 52,7%, II гуруҳда 63,4%; симфизит- I гуруҳ 8,2%, II гуруҳ 5,6%; чаноқ-сон бўғими артрити- I гуруҳ 12,3%, II гуруҳда 28,3%; тизза бўғими артрити I гуруҳ 4,1%, II гуруҳда 15%; болдир-товон бўғими артрити I гуруҳ 4,1%, II гуруҳда 3,7%; нафас экскурсиясининг чекланиши I гуруҳ 32,8%, II гуруҳда 39,3% беморларда кузатилди.

Минераллар алмашинуви бузилишларининг мавжудлигини таҳлил қилиш мақсадида уларнинг эритроцитларида Mg миқдори, қон зардобларида Mg, Zn ва Ca каби микроэлементларнинг концентрациялари ўрганилди ҳамда назорат гуруҳини ташкил қилган 20 нафар соғлом шахсларнинг таҳлил натижалари билан солиштирилди. Унга кўра, I гуруҳ беморларининг эритроцитларида Mg миқдори ўртача 1,75 ммоль/л, қон зардобларида Mg 0,72 ммоль/л, Ca миқдори 2,09 ммоль/л, Zn эса 9,7 мкмоль/л ни ташкил қилди. Кузатувдаги беморларнинг II гуруҳида эса эритроцитда Mg миқдори [0,9 ммоль/л], қон зардобидида Mg [0,48 ммоль/л] ва Ca [1,53 ммоль/л] микроэлементларининг концентрациялари I гуруҳ беморларининг кўрсаткичларидан ишончли равишда паст эканлиги қайд этилди ($p<0,05$; $p<0,05$; $p<0,05$). Аммо шуни қайд этиш жоизки, I гуруҳ беморларининг эритроцитларида Mg, қон зардобидида Mg ҳамда Ca миқдори

нормал референт чегараларни эгаллаган бўлсада, Zn концентрацияси [9,7 мкмоль/л] кузатувдаги II гуруҳ беморларининг [10,55 мкмоль/л] ва назорат гуруҳидаги соғлом шахсларнинг [13,8 мкмоль/л] кўрсаткичларидан ишончли тарзда паст бўлганлиги кўзга ташланди ($p < 0,01$; $p < 0,0005$). Тадқиқ этилаётган ушбу микроэлементларнинг концентрациялари назорат гуруҳини ташкил қилган 20 нафар соғлом шахсларнинг қон таҳлилларида [эритроцитларида Mg миқдори ўртача 2,3 ммоль/л, қон зардобларида Mg 1,05 ммоль/л, Ca миқдори 2,2 ммоль/л, Zn эса 13,8 мкмоль/л] нормал референт кўрсаткичларга эга бўлганлигига, I ва II гуруҳ беморларининг ($n=102$) қийматларига нисбатан ишончли равишда баланд бўлганлигига гувоҳ бўлдик ($p < 0,0001$; $p < 0,05$; $p < 0,05$; $p < 0,001$ ва $p < 0,5$; $p < 0,05$; $p < 0,05$; $p < 0,0001$) (1- расм).



Изоҳ: *- $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$ - I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут;


*** - $p < 0,0005$ - I ва II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

1- расм. Анкилозловчи спондилоартритга чалинган беморлар қон зардоби ва эритроцитларида Mg, Ca ва Zn миқдорларининг ўзгаришини гуруҳлар бўйича солиштирма таҳлили (ммоль/л, мкмоль/л)

АСА беморларда бўғимларидаги рентгенологик ўзгаришлар ҳам гуруҳлар бўйича таҳлил қилиниб, унда I гуруҳ беморларининг 64%ида сакроилеитнинг рентгенологик II даражаси қолган даражаларга нисбатан устунлик қилди (I даража-6,1%, III даража – 16,3%, IV даража-12,2%). II гуруҳ беморларида эса аксариат III даража (28,4%) ва IV даражали (35,8,2%) сакроилеит белгиси устунлик қилди (2-расм).


Ундан ташқари АСА билан оғриган беморларда энг оғир ва ногиронликка олиб келувчи коксартрознинг рентгенологик даражалари ҳам гуруҳлар бўйича солиштирилиб таҳлил қилинди, микроэлементлар танқислиги кузатилган II гуруҳ беморларида рентгенологик III даражали

кокстарроз оғир шакли 48% беморларда кузатилиб, I гуруҳда эса III даражали кокстарроз 22,7% беморда аниқланди.



2-расм. Анкилозловчи спондилоартритли беморларда сакроилеит ренгенологик ўзгаришлари.


Микроэлементлар бузилиши кузатилмаган I гуруҳда II даражали кокстарроз 60%, II гуруҳ 40% беморларда кузатилди, I гуруҳда I даражали кокстарроз 17,3%, II гуруҳ 12% беморларда кузатилди (3-расм).



3-расм. Анкилозловчи спондилоартритли беморларда кокстаррознинг ренгенологик ўзгаришлари

Олиб борилган илмий тадқиқот ишига жалб қилинган АСАли беморларда минераллар алмашинувининг бузилишларини касалликнинг клиник кечиши билан боғлиқлигини асослаш мақсадида улардаги тизимли зарарланиш кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинди. Унга кўра, I гуруҳ беморларига нисбатан эритроцитларда ва қон зардобиди Mg, Ca ва Zn концентрациялари нормадан кам бўлган II гуруҳ беморларида касалликнинг суяк ва бўғимлардан ташқари клиник кўринишлари, яъни тизимли зарарланиш кўрсаткичлари устунроқ бўлди. Уларда асосан увеит, ритм ва ўтказувчанликнинг турли кўринишдаги бузилишлари ҳамда кардит белгилари қайд этилди. АСАга чалинган барча беморларда юрак ва


қон томир тизимининг зарарланиши асосан кардит кўринишида кечди, айниқса II гуруҳ беморларида кардитнинг учраш частотаси I гуруҳдаги беморларга нисбатан ишонarli тарзда юқори бўлди ($p < 0,005$), аммо гуруҳлар бўйича увеит ҳамда ритм ва ўтказувчанликнинг турли кўринишдаги бузилишларининг учраш частотаси ўртасида ишончли тафовут кўзга ташланмади ($p = 0,74$) (4-расм).



Изоҳ: * $p < 0,005$ - увеит ва ритм ўтказувчанликка нисбатан ишончли фарқ

4- расм. Анкилозловчи спондилоартритга чалинган беморларда касалликнинг бўғимдан ташқари кўринишларини учраш даражасини гуруҳлар бўйича солиштира таҳлили


5-расмда тасвирланганидек, эритроцитларда ва қон зардобидида Mg, Ca ва Zn концентрациялари нормадан кам бўлган II гуруҳ беморларида касалликнинг клиник фаоллик кўрсаткичлари ASDAS, BASDAI, BASFI ҳамда VAS қабарча индекслар бўйича I гуруҳ беморларининг ўртача қийматларига нисбатан ишонarli тарзда юқори эканлиги қайд этилди [5,75; 9,78; 10,5; 85] ($p < 0,001$; $p < 0,001$; $p < 0,001$; $p < 0,001$).



Изоҳ: *- $p < 0,001$ - I гурух кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут;

5- расм. Анкилозловчи спондилоартритга чалинган беморларда касалликнинг клиник фаоллик кўрсаткичларининг гуруҳлар бўйича солиштирма таҳлили (балл)


Минераллар алмашинувининг у ёки бу даражадаги бузилишлари қайд этилган анкилозловчи спондилоартритли беморларда умумклиник таҳлиллардан гемоглобин, эритроцит, лейкоцит даражалари, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ), пешобда оқсил, қон биокимёвий таҳлилида умумий оқсил, жигар ферментлари (АЛТ, АСТ), умумий билирубин, мочевина ва креатинин миқдори, шунингдек С реактив оқсил (СРО) кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг гуруҳлар бўйича солиштирма таҳлили ўтказилди. Унга кўра, гемоглобин, эритроцит, лейкоцит, ЭЧТ даражалари, пешобдаги оқсил миқдори, билирубин, умумий оқсил, мочевина ва креатинин қийматларида гуруҳлар бўйича ишонарли тафовутлар аниқлангани йўқ ($p=0,912$; $p=0,614$; $p=0,771$; $p=0,497$; $p=0,075$; $p=0,342$; $p=0,322$; $p=0,614$; $p=0,397$), аммо I гуруҳдаги беморларнинг АЛТ ва АСТ ҳамда СРО кўрсаткичлари II гуруҳнинг қийматларига нисбатан ишонарли даражада паст бўлганлигига гувоҳ бўлдик ($p < 0,005$; $p < 0,005$) (6-расм).



Изоҳ: *- $p < 0,005$ - I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

6-расм. Анкилозловчи спондилоартритли беморлардаги лаборатор ўзгаришларнинг гуруҳлар бўйича солиштирма таҳлили


Анкилозловчи спондилоартритли беморларни ташкил этган I ва II гуруҳ беморлар қон зардобида ЎНО- α нинг кўрсаткичлари соғлом шахсларга нисбатан деярли икки ярим баробарга ишончли даражада ошганлиги қайд этилди ва умумий $6,72 \pm 0,25$ пг/мл ($p < 0,0005$) ва $7,39 \pm 1,32$ пг/мл ($p < 0,005$) ни ташкил қилди. Минераллар алмашинуви бузилишлари қайд этилган анкилозловчи спондилоартритли беморлар қон зардобида эса I гуруҳ беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан ЎНО- α даражалари нисбатан баландроқ эканлиги кузатилди [$7,39 \pm 1,32$ пг/мл ва $6,72 \pm 0,25$ пг/мл], аммо қийматлар орасида ишончилилик даражаси қайд этилмади ($p = 0,209$) (7-расм).



Изоҳ: *- $p < 0,0005$ - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

7-расм. Анкилозловчи спондилоартритли беморлардаги ЎНО-а ўзгаришларнинг гуруҳлар бўйича солиштира таҳлили (пг/мл).

АСА билан оғриган беморлар қон зардоби ва эритроцитларида Mg, қон зардобиди Са ва Zn миқдорларининг даводан кейинги ўзгаришлар таҳлил қилинганида, АСАли беморларда даволанишдан сўнг ушбу микроэлементларнинг концентрациялари ишончли равишда ортанлиги ўз исботини топган [0,48 ва 0,73; 0,9 ва 1,27; 1,53 ва 2,05; 10,55 ва 12,54] ($p < 0,005$; $p < 0,005$; $p < 0,005$; $p < 0,005$) (8-расм).



Изоҳ: *- $p < 0,005$ - даводан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут

8- расм. Анкилозловчи спондилоартритга чалинган беморлар қон зардоби ва эритроцитларида Mg, Са ва Zn миқдорларининг даводан кейинги ўзгаришларини таҳлили (ммоль/л, мкмоль/л)

Ушбу микроэлементлар миқдоридаги ўзгаришларга фармакотерапиянинг таъсирини баҳолаш билан биргаликда, гуруҳлар ўртасида касалликнинг клиник фаоллик динамикасидаги силжишлар ҳам қиёсий таҳлил қилинди.

2-жадвал

Фармакотерапия фониди касалликнинг клиник фаоллик кўрсаткичларини гуруҳлар ўртасида қиёсий баҳолаш

Кўрсаткичлар		I гуруҳ			II гуруҳ		
		Ўртача киймати	Стандарт оғиш	Р-киймати	Ўртача киймати	Стандарт оғиш	Р-киймати
ВАШ	Олдин	70,41	8,89	0,086	70,94	8,83	<0,0005
	Кейин	55,02	58,18		31,32	7,35	
ASDAS	Олдин	3,20	0,42	<0,0005	3,25	0,47	<0,0005
	Кейин	1,88	0,24		1,56	0,46	
BASDAI	Олдин	6,12	0,85	<0,0005	5,78	0,74	<0,0005

	Кейин	3,77	0,59		2,39	2,75	
BASFI	Олдин	6,37	0,70	<0,0005	6,44	0,73	<0,0005
	Кейин	5,32	0,46		4,97	0,28	

Юқорида келтирилган 2-жадвалдаги кўрсаткичларга асосан I гуруҳдаги беморларда ASDAS, BASDAI, BASFIнинг даволанишдан кейинги ўртача қийматлари фармакотерапиядан олдинги натижаларга нисбатан статистик аҳамиятига эга даражада пасайганлиги қайд этилди ($p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$). ВАШ кўрсаткичларида эса статистик аҳамиятли динамик ўзгаришлар аниқланмади ($p=0,086$). Бироқ, II гуруҳ беморларида ASDAS, BASDAI, BASFI кўрсаткичлари билан биргаликда, ВАШнинг ўртача қийматлари ҳам даволанишдан кейин статистик аҳамиятига эга ишонarli даражада пасайганлигини кузатдик ($p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$).

Қуйида акс этирилган 3-жадвалда умумклиник ва қон биокимёвий таҳлилларидаги асосий кўрсаткичларнинг динамик ўзгаришлари келтириб ўтилган. Унга кўра, анъанавий базис даво олган АСАли беморларда ЭЧТ, СРО, АЛТ, АСТ, умумий билирубин, мочеви́на, креатинин ҳамда умумий оксил кўрсаткичларининг ўртача қийматлари даволанишдан олдинги натижаларга нисбатан статистик аҳамиятли даражада ўзгармаган ($p=0,233$; $p=0,209$; $p=0,164$; $p=0,074$; $p=0,912$; $p=0,481$; $p=0,694$; $p=0,058$), аммо гемоглобин, эритроцит, лейкоцит ва сийдикдаги оксил миқдори ишончли равишда камайган ($p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$).

Анъанавий базис даво билан биргаликда минераллар алмашинувини коррекция қилувчи дори воситалар билан даволанган АСАли беморлар гуруҳида эса гемоглобин, эритроцит, АСТ, умумий билирубин, креатинин ҳамда умумий оксил кўрсаткичларининг ўртача қийматлари даволанишдан олдинги натижаларга қараганда статистик аҳамиятли даражада камаймаган ($p=0,012$; $p=0,310$; $p=0,027$; $p=0,071$; $p=0,888$; $p=0,087$), бироқ лейкоцит, ЭЧТ, СРО, сийдикда оксил миқдори, жигар ферментларидан АЛТ ҳамда мочеви́на кўрсаткичларининг ўртача қийматлари эса даволанишдан олдинги натижаларга нисбатан статистик аҳамиятли даражада ўзгарган ($p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$; $p<0,0005$).


3 – жадвал

Фармакотерапия негизида касалликнинг лаборатор фаоллик кўрсаткичларининг динамикасини баҳолаш

		I гуруҳ			II гуруҳ		
		Ўртача қиймати	Стандарт оғиш	P-қиймати	Ўртача қиймати	Стандарт оғиш	P-қиймати
Гемоглобин	Олдин	106,91	15,63	<0,0005	107,26	15,89	0,012
	Кейин	105,36	19,15		108,73	14,52	
Эритроцит	Олдин	3,68	0,60	<0,0005	3,74	0,65	0,310
	Кейин	3,66	0,56		3,83	0,60	
Лейкоцит	Олдин	7,35	2,10	<0,0005	7,24	1,77	<0,0005

	Кейин	6,66	1,50		6,08	0,93	
ЭЧТ	Олдин	20,57	7,06	0,233	19,47	9,01	<0,0005
	Кейин	12,65	4,61		9,77	5,24	
СРО	Олдин	24,96	6,70	0,209	24,37	13,75	<0,0005
	Кейин	14,00	4,72		7,18	5,41	
Сийдикда оксил	Олдин	0,04	0,03	<0,0005	0,03	0,03	<0,0005
	Кейин	0,00	0,01		0,005	0,01	
АЛТ	Олдин	22,10	5,88	0,164	25,50	10,76	<0,0005
	Кейин	20,39	5,40		20,05	4,60	
АСТ	Олдин	17,98	5,66	0,074	21,43	6,31	0,027
	Кейин	19,90	4,94		19,88	4,91	
Билирубин	Олдин	15,54	4,65	0,912	16,65	6,89	0,071
	Кейин	15,43	4,20		15,47	3,68	
Мочевина	Олдин	6,53	1,65	0,481	6,36	1,60	<0,0005
	Кейин	6,30	1,47		5,96	1,22	
Креатинин	Олдин	66,19	13,54	0,694	68,83	17,47	0,888
	Кейин	67,24	11,82		69,29	17,49	
Умумий оксил	Олдин	73,07	5,26	0,058	71,73	8,05	0,087
	Кейин	70,53	7,58		71,16	7,65	

АСА беморларда гуруҳлар бўйича ЎНО- α қийматларини фармакотерапия фонида динамик ўзгаришларини солиштирма тахлили ўтказилди. Анъанавий фармакотерапия ўтказилган I гуруҳ беморларининг қон зардобида ЎНО- α статистик аҳамиятга эга бўлмаган қийматларда ўзгарганлиги қайд этилган ($p=0,5$), II гуруҳ беморларида эса ушбу кўрсаткич 7,39 пг/млдан 4,1 пг/млгача ишонарли тарзда камайганлиги ўз аксини топган ($p<0,001$) (9-расм).



Изоҳ: *- p=0,5- даводан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут;
 **- p<0,001- II гуруҳ кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут

9-расм. Анкилозловчи спондилоартритли беморларда α -ўсма некрози омили қийматларининг даводан кейинги ўзгаришларини гуруҳлар бўйича солиштирма таҳлили (пг/мл).

Диссертациянинг «Анкилозловчи спондилоартритли беморларда минераллар алмашинувининг бузилишларини ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида минераллар алмашинувининг бузилишлари кузатилган АСАли беморлар ҳаёт сифатини касалликнинг клиник ва лаборатор фаоллигига боғлиқ ҳолда ўзгариши таҳлил қилинган. Шунингдек, АСА беморларда минераллар алмашинувининг бузилишларини даволаш фониди уларнинг ҳаёт сифатини ўзгариши баҳоланган.

Кузатувимиздаги беморларнинг ҳаёт сифатининг дастлабки кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал


Минераллар алмашинувининг бузилишлари кузатилган ва соф анкилозловчи спондилоартритли беморлар ҳаёт сифатининг дастлабки кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	I гуруҳ n=49 (M±σ)	II гуруҳ n=53 (M±σ)	P
PF	56,19 ± 5,42	32,13 ± 5,96*	P<0,05
RP	57,29 ± 5,24	39,63 ± 5,54	P=0,145
BP	54,75 ± 5,18	39,24 ± 4,09	P=0,211
GH	57,42 ± 3,32	38,79 ± 6,21*	P<0,05
VT	66,21 ± 5,19	42,31 ± 6,99*	P<0,05
SF	61,73 ± 5,18	42,81 ± 8,86*	P<0,05
RE	51,62 ± 5,21	41,79 ± 9,14	P=1,3
MH	59,89 ± 4,62	41,65 ± 8,11	P=0,57

Изоҳ: PF – жисмоний фаоллик; RP – ҳаёт фаолиятининг чекланганлигида жисмоний муаммоларнинг роли; BP – оғриқ шкаласи; GH – умумий саломатлик; VT – ҳаёт қобилияти шкаласи; SF – ижтимоий фаоллик шкаласи; RE – ҳаёт фаолияти чегараланишида эмоционал муаммоларнинг аҳамияти; MH – руҳий саломатлик.

P – I гуруҳ қийматларига нисбатан ишончли тафовут.

Юқорида акс эттирилган жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, магний, руҳ ва калций каби микроэлементлар етишмовчилиги кузатилган беморларнинг ҳаёт сифати микроэлементлар бузилиши кузатилмаган АСАли беморларга нисбатан статистик ишонарли паст эканлиги қайд этилди.



Изох: ** - Икки томонлама коррелляция $P < 0,05$ даражасида

10-расм. Минераллар алмашинувининг бузилишлари кузатилган АСА беморлар ҳаёт сифатини касалликнинг клиник ва лаборатор фаоллиги билан коррелляция қилиниши

10-расмда кўриниб турганидек ASDAS, BASDAI, BASFI, ВАШ сингари клиник, ЭЧТ, СРО каби лаборатор фаоллик кўрсаткичлари микроэлементлар танқислиги билан мусбат коррелляция қилинди ($P < 0,05$; $P < 0,05$; $P < 0,05$; $P < 0,05$; $P < 0,05$), ҳаёт сифатининг жисмоний фаоллик, саломатликнинг умумий ҳолати, ҳаёт фаоллиги ва ижтимоий фаоллик шкаласи сингари кўрсаткичлар билан эса манфий коррелляцияга учради ($P < 0,05$; $P < 0,05$; $P < 0,05$; $P < 0,05$).

Тадқиқот ишига жалб қилинган беморларни даволаш натижасида уларнинг ҳаёт сифатида муайян ўзгаришлар кузатилди, уларни таҳлил қилганимизда қуйидаги маълумотлар аниқланди (5-6 -жадваллар).

5-жадвал.

I гуруҳ беморлари ҳаёт сифати кўрсаткичларининг динамикаси (n=49)

Кўрсаткич	Даводан олдин (M±δ)	Даводан 6 ойдан сўнг (M±δ)	Даводан 12 ойдан сўнг (M±δ)	P
PF	56,19 ± 5,42	65,21±4,64*	72,25±4,7*	$P_{1-6} < 0,05$ $P_{1-12} < 0,05$
RP	57,29 ± 5,24	58,41±6,09	61,20±0,4	$P_{1-6} = 0,10$ $P_{1-12} = 0,16$
BP	54,75 ± 5,18	57,65±4,6	61,1±0,9	$P_{1-6} = 0,52$

				$P_{1-12}=0,01$
GH	$57,42 \pm 3,32$	$66,31 \pm 4,03^*$	$75,20 \pm 4,3^*$	$P_{1-6} < 0,05$ $P_{1-12} < 0,05$
VT	$66,21 \pm 5,19$	$73,97 \pm 5,12^*$	$82,18 \pm 5,9^*$	$P_{1-6} < 0,05$ $P_{1-12} < 0,05$
SF	$61,73 \pm 5,18$	$70,16 \pm 5,09^*$	$81,89 \pm 5,7^*$	$P_{1-6} < 0,05$ $P_{1-12} < 0,05$
RE	$51,62 \pm 5,21$	$54,79 \pm 5,48$	$58,78 \pm 5,9$	$P_{1-6} = 0,11$ $P_{1-12} = 0,25$
MH	$59,89 \pm 4,62$	$60,32 \pm 5,75$	$62,10 \pm 5,8$	$P_{1-6} = 0,32$ $P_{1-12} = 0,43$

Изоҳ: PF – жисмоний фаоллик; RP – ҳаёт фаолиятининг чекланганлигида жисмоний муаммоларнинг роли; BP – оғриқ шкаласи; GH – умумий саломатлик; VT – ҳаёт қобилияти шкаласи; SF – ижтимоий фаоллик шкаласи; RE – ҳаёт фаолияти чегараланишида эмоционал муаммоларнинг аҳамияти; MH – руҳий саломатлик.

P_{1-6} – гуруҳдаги тегишли кўрсаткичларнинг кузатув бошидаги ва 6 ойлик даврдан кейинги фарқлар ишончилиги; P_{1-12} – гуруҳдаги тегишли кўрсаткичларнинг кузатув бошидаги ва 12 ойлик даврдан кейинги фарқлар ишончилиги.

5-жадвалда келтирилганидек I гуруҳ беморларига йил давомида ўтказилган яллиғланишга қарши стандарт базис даво уларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Мусбат динамика фармакотерапиянинг 6-ойидан бошлаб ўз самарасини намоён қилганлиги қайд этилди. Айниқса, жисмоний фаолият, саломатликнинг умумий ҳолати, ҳаётга мослашиш шкаласи, ва ижтимоий фаолият сингари кўрсаткичлар ишонарли яхшиланди ($p < 0,05$). Шу билан бир қаторда 6 ойлик даво давомида RE – ҳаёт фаолияти чегараланишида эмоционал муаммоларнинг аҳамияти ҳамда MH – руҳий саломатлик сингари кўрсаткичлар статистик ишонарли ўзгармади. Бу эса АСА касаллигида буғим синромидан ташқари беморларда чуқур руҳий-эмоционал ўзгаришлар юзага келишини кўрсатади. II гуруҳ беморларининг ҳаёт сифатини таҳлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

II гуруҳ беморлари ҳаёт сифати кўрсаткичларининг динамикаси (n=53)

Кўрсаткич	Даводан олдин (M±δ)	Даводан 6 ойдан сўнг (M±δ)	Даводан 12 ойдан сўнг (M±δ)	P
PF	$32,13 \pm 5,96$	$42,18 \pm 3,21^*$	$53,21 \pm 5,24^*$	$P_{1-6} < 0,005$ $P_{1-12} < 0,0001$
RP	$39,63 \pm 5,54$	$43,22 \pm 5,12^*$	$50,18 \pm 6,36^*$	$P_{1-6} < 0,5$ $P_{1-12} < 0,005$
BP	$39,24 \pm 4,09$	$48,26 \pm 4,15^*$	$59,46 \pm 6,18^*$	$P_{1-6} < 0,01$ $P_{1-12} < 0,0001$

GH	38,79±6,21	50,32 ± 4,23*	57,35±4,21*	P ₁₋₆ <0,001 P ₁₋₁₂ <0,001
VT	42,31±6,99	45,62 ± 4,19	55,29±5,4*	P ₁₋₆ =0,1 P ₁₋₁₂ <0,01
SF	42,81±8,86	52,12 ± 6,06*	59,45±5,41*	P ₁₋₆ <0,005 P ₁₋₁₂ <0,05
RE	41,79±9,14	43,62 ± 8,18	52,19±6,41*	P ₁₋₆ =0,1 P ₁₋₁₂ <0,01
MH	41,65±8,11	49,15 ± 9,21*	56,21±6,54*	P ₁₋₆ <0,05 P ₁₋₁₂ <0,001

Изоҳ: PF – жисмоний фаоллик; RP – ҳаёт фаолиятининг чекланганлигида жисмоний муаммоларнинг роли; BP – оғриқ шкаласи; GH – умумий саломатлик; VT – ҳаёт қобиляти шкаласи; SF – ижтимоий фаоллик шкаласи; RE – ҳаёт фаолияти чегараланишида эмоционал муаммоларнинг аҳамияти; MH – руҳий саломатлик.

P₁₋₆ – гуруҳдаги тегишли кўрсаткичларнинг кузатув бошидаги ва 6 ойлик даврдан кейинги фарқлар ишончилиги; P₁₋₁₂ – гуруҳдаги тегишли кўрсаткичларнинг кузатув бошидаги ва 12 ойлик даврдан кейинги фарқлар ишончилиги.

6-жадвалда келтирилганидек минераллар танқислиги коррекция қилинган АСАли беморларда 6 ойлик даврдан кейин ҳаёт сифатини белгиловчи 8 та кўрсаткичдан олтитасида ижобий динамика кузатилди (P₁₋₆<0,005; P₁₋₆<0,5; P₁₋₆<0,01; P₁₋₆<0,001; P₁₋₆<0,005; P₁₋₆<0,05).

Базис даво билан биргаликда минераллар алмашинуви бузилишлари коррекция қилингандан бир йил ўтгач жисмоний фаоллик динамикаси мос равишда 32,13±5,96 дан 53,21±5,24 га (p<0,0001) кўтарилди, ҳаёт фаолиятининг чекланганлигида жисмоний муаммоларнинг роли 39,63±5,54дан 50,18±6,36 гача (p<0,05) ортди; оғриқ шкаласи 39,24±4,09 дан 59,46±6,18 га эришилди (p<0,0001) кўтарилди, умумий саломатлик 38,79±6,21 кўрсаткичдан то 57,35±4,21 гача (p<0,001) ўсди, ҳаёт қобиляти шкаласи 42,31±6,99 дан 55,29±5,4гача (p<0,01) ўзгарди, ижтимоий фаоллик шкаласи 42,81±8,86 дан 59,45±5,41 гача (p<0,05) ошди, ҳаёт фаолияти чегараланишида эмоционал муаммоларнинг аҳамиятида ҳам ижобий динамика кузатилиб, кўрсаткичлар 41,79±9,14дан 52,19±6,41 гача (p>0,01) яхшиланди, руҳий саломатликда эса 56,21±6,54гача бўлган ижобий натижага (p>0,001) эришилди.

Шундай қилиб, даволаш самарадорлиги таҳлил қилинганда стандарт базис даво билан биргаликда микроэлементлар танқислиги баргараф этилсагина АСАли беморларнинг ҳаёт сифатининг барча жиҳатларида статистик ижобий ўзгаришлар аниқланиши мумкин бўлади.

Диссертациянинг сўнгида изланувчи томонидан олинган натижалар муҳокама қилинган ва улар адабий манбалардаги маълумотлар билан қиёслаб ўрганилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Минераллар алмашинуви бузилиши кузатиладиган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник ва лаборатор фаоллик кўрсаткичлари ҳам ўз навбатида юқори бўлади.
2. Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг скелетдан ташқари белгиларининг учраш сони қондаги микроэлементлар алмашинуви бузилишига бевосита боғлиқ бўлади.
3. Қон зардобдаги микроэлементлар миқдори билан ЎНО- α ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, эритроцитларда ва зардобда магнийнинг камайиши ЎНО- α нинг ортишига олиб келади.
4. Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан минераллар алмашинуви бузилишлари орасида тўғри корреляцион боғланиш қайд этилади.
5. Базис яллиғланишга қарши даволаш негизида минераллар алмашинуви бузилишларини коррекция қилувчи дори воситаларини қўллаш орқали анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллигини пасайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ПУЛАТОВА ШАХНОЗА БАХТИЯРОВНА

**КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЯ НАРУШЕНИЯ
МИНЕРАЛЬНОГО ОБМЕНА ПРИ АНКИЛОЗИРУЮЩЕМ
СПОНДИЛОАРТРИТЕ И ПУТИ ЕГО КОРРЕКЦИИ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1354.

Диссертация выполнена в Ташкентской Медицинской Академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Набиева Дилдора Абдумаликовна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Шодикулова Гуландом Зикрияевна доктор медицинских наук, профессор
	Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита состоится «__» _____ 2022 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской Медицинской Академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+998 71) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована № ____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус “б” крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(протокол рассылки № _____ от «__» _____ 2022 года.)

А.Г.Гадаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Н.И. Пулатова
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук

А.Л. Аляви
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук,
профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Низкое качество жизни и уменьшение продолжительности жизни больных анкилозирующим спондилоартритом (АСА), ранняя инвалидизация и риск развития тяжелых осложнений определяют социально-экономическую значимость этого заболевания. По мнению ряда ученых, «...при дефиците магния в патогенезе АСА важное значение имеют такие процессы, как нарушение микроциркуляции, замедление кровотока, отек тканей, усиление синтеза атерогенных липопротеидов высокой плотности, снижение минеральной плотности костной ткани...»³. Такие минералы, как магний, кальций, фосфор, цинк считаются элементами, регулирующими рост и прочность костей и повышающими в них репаративный процесс.

